ХДР

1918-yil
21-iyundan chiqa
boshlagan

№25, 2023-yil
5-iyul,
chorshanba (32.771)

O‘zbekiston ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Barchaga g‘amxo‘rlik – davlatning burchi







ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР ЎТКАЗМОҚДА

4

МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ОАВНИНГ 1 МИНГ 299 НАФАР ВАКИЛИ АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТГАН

Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Сайловга тайёргарлик кўриш даврида Марказий сайлов комиссиясига келиб тушган мурожаатлар, Президент сайловида халқаро ташкилотлардан ва хорижий давлатлардан қатнашадиган кузатувчиларни ҳамда ОАВ вакилларини аккредитация қилишга доир масалалар шулар жумласидандир.

Сайловга тайёргарлик кўриш даврида Марказий сайлов комиссиясига келиб тушган мурожаатлар бўйича кўрилган чоралар комиссия аъзолари томонидан муҳокама этилди ва тегишли қарор қабул қилинди. Қайд этилганидек, жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган барча мурожаатларга Марказий сайлов комиссияси томонидан қонунчилик ҳужжатларига асосланган ҳолда ўз вақтида жавоб қайтарилмоқда ҳамда ҳеч бир мурожаат эътибордан четда қолдирилмаяпти.


Мажлисда Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан ЕХҲТ ДИИҲБ, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси, МДҲ, Сайлов тизимлари халқаро жамғармаси каби ташкилотлар ҳамда бир қатор хорижий давлатлардан жами 401 нафар кузатувчи аккредитациядан ўтказилди. Шунингдек, Марказий сайлов комиссиясига келиб тушган мурожаатларни ўрганиш натижаларига кўра, маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг 42 нафар вакили аккредитациядан ўтказилди ва бу ҳақда қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида аккредитациядан ўтган халқаро ташкилотлардан ва хорижий давлатлардан қатнашадиган кузатувчиларнинг умумий сони 785 нафарни, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларининг умумий сони 1 минг 299 нафарни ташкил этмоқда.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
ЎзА мухбири.

ҲУҚУҚЛАР ТЕНГ ВА КАФОЛАТЛАНГАН БЎЛИШИ МУҲИМ

7 САҲИФА



ТАКЛИФ, ТАҲЛИЛ ва МУЛОҲАЗА

Қонунчилик палатасида иш қизғин давом этмоқда

5

RAQAM



785

хорижий кузатувчилар аккредитациядан ўтди

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН
ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД УЛУҒБЕК ИНОЯТОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!

ИЖТИМОИЙ ТЕНГЛИК ВА ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Президентликка

МАМЛАКАТИМИЗДА МУҲИМ СИЁСИЙ ЖАРАЁН – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИГА САНОҚЛИ КУНЛАР ҚОЛМОҚДА. ҲОЗИРДА ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДЛАР САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДАГИ МАҚСАД ҲАМДА ВАЗИФАЛАРИГА АСОСЛАНИБ, ЖАМИЯТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ВА КЕЛАЖАГИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР ЎТКАЗМОҚДА.



ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИ – ДЕМОКРАТИК ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТНИ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод Улуғбек Иноятовнинг Сайловолди дастурининг **VII йўналиши "Ижтимоий тенгликка ва халқ ҳокимиятчилигига асосланган демократик бошқарув"** деб номлангани ҳам бежиз эмас. Унда белгиланган мақсад ва вазифалар айнан жамиятимизда долзарб масалаларга бағишлангани билан ажралиб турибди.

Дастурда **"Биз мамлакатда ижтимоий тенгликка асосланган халқ ҳокимиятчилиги принципини мустаҳкамлаш орқали демократик ижтимоий давлатни барпо этиш тарафдоримиз",** деган фикр илгари сурилади.

Хўш, халқ ҳокимиятчилиги деганда нима тушунилади? У қандай хусусиятларга эга? Аввало, халқ ҳокимиятчилиги фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги бевосита ва билвосита иштироки демакдир. Уюшқоқлик, бир-бирининг фикрини эшитиш, ўзаро ҳурмат ва бирдамликда ҳаракат қилиш халқ ҳокимиятчилигининг муҳим жиҳатидир.

Таъкидлаш лозимки, халқ ҳокимиятчилиги – демократиянинг мазмуни ҳамда ажралмас шарти. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг II боби ҳам айнан "Халқ ҳокимиятчилиги" деб номланиб, уни рўёбга чиқариш бўйича муҳим қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Жумладан, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 7-моддасида **"Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади",** деган қоида белгиланган.

> **Босқичма-босқич фуқаролик жамияти институтларига давлат функцияларини бериб бориш замирида ижтимоий масалаларни янада самарали ҳал этиш, бу жараёнда нодавлат институтлар фаоллиги ва таъсир кучини ошириш ғояси мужассамдир. Бу биринчи навбатда фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий хабардорлиги ва маданияти юксалиб боришига қулай шароит яратади. Айниқса, одатда унча фаол ҳисобланмайдиган, жамиятдаги воқеа-ҳодисалар бўйича ўз фикри, таклифларини ҳар доим ҳам билдиравермайдиган эҳтиёжманд қатлам учун бундай шароит муҳим ҳисобланади.**

ЎзХДПдан номзоднинг Сайловолди дастурида таъкидланганидек, барча инсонларнинг ёши, жинси, жисмоний имконияти, миллати, дини ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш зарур.

Албатта, халқ ҳокимиятчилиги принципи фуқароларнинг жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқида ҳам намоён бўлади.

Бош Қонунимизга мувофиқ, бу ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ҳамда давлат органларини демократик тарзда ташкил қилиш, шунингдек, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади.

Халқ ҳокимиятчилиги принципи билан бевосита боғлиқ устувор қоидалар мавжуд бўлиб, улар давлат ҳокимияти тизимида ўзаро тийиб туриш ҳамда мувозанатни сақлаш, ижтимоий-сиёсий хилма-хилликни таъминлаш, муҳими, инсон манфаатларининг давлат манфаатларидан устуворлигини кафолатлашга хизмат қилади.

Халқ ҳокимиятчилиги – бу жамиятда қонун устуворлиги ва ҳуқуқий маданият нечоғлик юксак даражада эканини кўрсатувчи ўзига хос индикатор ҳам дейиш мумкин. Агар кишилар ўз ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланишга интилмасалар, энг олижаноб ва мукаммал қонунлар ҳам уларни демократик муҳитда яшашга ўргата олмайди.

Шу нуқтаи назардан биз мамлакатда ижтимоий тенгликка асосланган халқ ҳокимиятчилиги принципини мустаҳкамлаш орқали демократик ижтимоий давлатни барпо этиш тарафдоримиз. Бу аҳолининг барча, жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг **давлат, жамият ҳаёти, суд-ҳуқуқ тизимида тенглик асосида иштирок этишини** кафолатлашда муҳим аҳамият касб этади.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ – ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

Дастурда **"Фуқаролик жамияти институтлари мамлакатда демократия, ҳуқуқий давлат ва шахс эркинликларини таъминлашнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади. Биз мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш тарафдоримиз",** деган фикрлар илгари сурилади.

Миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлашга қаратилган кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига босқичма-босқич ўтиш масаласи мамлакатимизда олиб борилаётган фаол демократик янгиланиш ва модернизациялаш жараёнларининг ажралмас қисми бўлиши лозим.

Фуқаролик жамиятида:

— нодавлат, жамоат ташкилотлари, хусусан, сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат тизимини мустаҳкамлашга, сайловчиларнинг, ўз аъзоларининг ва давлатнинг манфаатларини уйғунлаштириб, ижтимоий барқарорликни таъминлашга хизмат қилиши;

— марказлашган бошқарув билан халқ ҳокимиятчилигининг бошқа субъектлари ўртасида ижтимоий муроса, аҳиллик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш таъминланиши;

— инсон манфаатлари давлат манфаатларидан устун туриши, давлат органлари инсонларга хизмат қилиши;

— маъмурий бошқарувдан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарувига ўтиш муҳимдир.

Шу нуқтаи назардан номзодимиз Сайловолди дастурида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришини янада кенгайтиришни ҳам таклиф этмоқда.

Фуқаролик жамияти давлат томонидан тўғридан-тўғри бошқарилмайдиган фуқаролар, жамоат ташкилотлари ва кўнгиллилар уюшмаларининг ўзаро самарали ижтимоий алоқалари тизимидан ташкил топгани сабабли бу институт ўзига хос қонуниятлар – тенглик, бирдамлик, очиқлик, ўзаро ҳурмат, ишонч асосида ривожланади.

Ҳуқуқий давлатни фуқаролик жамияти ривожланишининг натижаси, деб ҳисоблаш мумкин. Ҳуқуқий давлатчиликнинг шаклланиш жараёни, ҳеч шубҳасиз, аста-секинлик билан, босқичма-босқич давом этиб, фуқаролик жамияти шаклланиши билан бирга уйғунлашиб боради.

Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларда юз бераётган ўзгаришларга уйғун равишда фуқаролик жамияти институтлари тобора ривожланиб бормоғи лозим. Бу, бир томондан, фуқароларнинг сиёсий тафаккури юксалаётгани билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан фуқаролик жамияти институтлари фаолият кўрсатадиган ҳуқуқий маконнинг кенгайиб бориши билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Улуғбек Иноятов ўз Сайловолди дастурида **фуқаролик жамияти ва нодавлат институтлар** фаолиятига алоҳида эътибор қаратаётгани шу омилларга мувофиқдир. Номзод таъкидлаётганидек, фуқаролик жамияти институтлари мамлакатда демократия, ҳуқуқий давлат ва шахс эркинликларини таъминлашнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади.

Дастурда назарда тутилган яна бир масалалардан бири – давлат функцияларини **босқичма-босқич фуқаролик жамияти институтларига бериб бориш** орқали уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий шериклик асосида хизмат кўрсатишга ўтишдир.

Босқичма-босқич фуқаролик жамияти институтларига давлат функцияларини бериб бориш замирида ижтимоий масалаларни янада самарали ҳал этиш, бу жараёнда нодавлат институтлар фаоллиги ва таъсир кучини ошириш ғояси мужассамдир. Бу биринчи навбатда фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий хабардорлиги ва маданияти юксалиб боришига қулай шароит яратади. Айниқса, одатда унча фаол ҳисобланмайдиган, жамиятдаги воқеа-ҳодисалар бўйича ўз фикри, таклифларини ҳар доим ҳам билдиравермайдиган эҳтиёжманд қатлам учун бундай шароит муҳим ҳисобланади.

Аҳолининг турли ижтимоий қатламлари ўртасида мулоқот муҳити ривожланиб бориши натижасида давлат функцияларининг босқичма-босқич фуқаролик жамияти институтларига ўтиши жараёни табиий равишда кенгаяди. Бу айни пайтда фуқароларнинг нафақат сиёсий-ҳуқуқий, шу билан бирга, ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ошишига муҳим асос бўлади. Ижтимоий боқимандалик кайфияти ўрнига, муаммоли ҳолатларда фуқароларда ижтимоий бирдамлик ҳисси билан ҳаракат қилиш, энг мувофиқ ва тезкор ечимлар топишга интилишни кучайтиради.

Халқ демократик партияси электорати манфаатлари нуқтаи назаридан асосий устуворлик шундаки, турли йўналишдаги масалаҳат ёрдамлари, ҳунар ўрганиш, касб танлаш, қайта малака олиш билан боғлиқ масалалар фуқаролик жамияти интитутлари орқали тезроқ ва самаралироқ ҳал этилади. Шу нуқтаи назардан ҳам давлатнинг айрим функцияларини босқичма-босқич фуқаролик жамияти институтларига бериб бориш ғояси муҳимдир.

Бу ўринда ташкилий-ҳуқуқий масалалар ҳам алоҳида эътиборга молик. Фуқаролик

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН
ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД УЛУҒБЕК ИНОЯТОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!

SAYLOV

ҲОКИМИЯТЧИЛИГИГА АСОСЛАНГАН БОШҚАРУВ

номзод Сайловолди дастуридаги асосий ғоялардан ҳисобланади

жамияти тузилмалари юқоридан туриб эмас, балки фуқароларнинг ташаббуси билан, ихтиёрий асосда, табиийки, муассисларнинг манфаатлари, қизиқишлари ва мойилликларига мувофиқ тузилади. Уларнинг эркинлиги ўзини ўзи бошқариш фаолиятида намоён бўлади ва айнан шу йўл билан улар жамият тараққиётига ҳисса қўшади.

Сайловолди дастурда илгари сурилган яна бир муҳим масала –фуқаролик жамияти институтларини **маҳаллий миқёсда** қўллаб-қувватлаш, туманлардаги нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини кенгайтириш. Ушбу ташаббус жойларда фуқаролик жамияти институтларининг янада фаол ишлаши, фуқароларни ўйлантираётган, қизиқтираётган ижтимоий масалаларни фуқароларнинг таклифлари ва бевосита иштирокида ҳал этиш учун муҳим рағбат бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий қизиқишлар ва манфаатлар уйғунлиги фуқароларни бир-бирига тез яқинлаштиради. Бунинг учун биринчи навбатда улар ўртасида юзма-юз ва бевосита мулоқот шаклланиши ва ривожланиши муҳим. Бундай мулоқот муҳити маълумки дастлаб маҳаллалар, туман, шаҳарлар миқёсида юзага келади.

Ижтимоий-иқтисодий хусусиятларига кўра ҳар бир ҳудуд ўзига хосдир. Мана шу ўзига хослик фуқароларни тез бирлаштиради, ижтимоий масалаларни биргаликда ҳал қилиш кўникмасини ривожлантиради. Шунинг учун фуқаролик жамияти институтлари маҳаллий миқёсда ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш муҳим ҳисобланади.

Сўз фуқаролик жамияти ҳақида борар экан, табиийки, бу жабҳада етакчи бўлган давлатлар тажрибасига тўхталиб ўтиш лозим. Масалан, **АҚШда** фуқаролик жамиятининг дастлабки институтлари турли уюшмалар, мактаблар ва турар жойлар бўйича хавфсизлик ва тартибни таъминловчи ижтимоий гуруҳлар сифатида фаолият олиб борган. Ғарбий Европада эса бундан фарқли равишда фуқаролик жамияти институтлари иқтисодий соҳада ўз-ўзини намоён қилиб, бу янги ва эски типдаги, олдинги уюшмалар ва корпоратив бирлашмалар асосида ташкил топган мустақил бозор ташкилотлари сифатида фаолият юритган.

Германияда фуқаролик жамияти институтларининг ўзига хос фаолияти ҳунарманд ва савдогарларнинг ўз-ўзини ҳимоя қилиш ва шаҳарларни бошқаришга маълум даражада таъсир ўтказишнинг дастлабки шакли сифатида қарор топган.

Ҳозирги даврда ривожланган Ғарб давлатларида фаолият олиб бораётган фуқаролик жамияти институтлари демократик сиёсий фаолликни назарда тутган ҳолда давлат устидан назоратни амалга оширади. Бунда сиёсий партиялар таъсири ва ўзини ўзи бошқариш институтлари фаоллиги тобора ортиб бораверади. Яъни, шахс эркинлиги олий қадрият сифатида баҳоланади. АҚШ, Буюк Британия ва Австралияда мазкур тамойил сабаб давлатнинг фуқаролик жамияти ҳаётига аралашуви чекланган.

Умуман олганда, ривожланган давлатларда фаолият олиб бораётган демократик институтлар замонавий фуқаролик жамияти моделини яратиш, унинг давлат бошқарувидаги самарали иштирокини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Шу маънода, номзоднинг Сайловолди дастурида жамият ва давлат бошқарувида фуқаролик институтларининг ўрни ҳамда аҳамиятини мустаҳкамлаш, жамоатчилик тузилмалари ва давлат органларининг ижтимоий шериклик асосидаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш назарда тутилмоқда. Бунда давлатнинг нодавлат институтлар билан ҳамкорлиги очиқлик ва шаффофлик тамойилларига асосланишига катта урғу берилмоқда.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР – ДЕМОКРАТИКТАРАҚҚИЁТНИНГ ЗАРУРИЙ ШАРТИ

ЎзХДПдан номзоднинг Сайловолди дастурида фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида **сиёсий партиялар ва уларнинг бирлашмаларининг** ваколатларини кенгайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, ижро ҳокимияти томонидан ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг энг муҳим масалалари бўйича қарорлар қабул қилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги **сиёсий партиялар фракциялари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари билан маслаҳатлашувлар** ўтказиш механизмини жорий этиш тўғрисидаги таклиф муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.

Зеро, ижро этувчи ҳокимиятнинг аҳолининг манфаатларига тааллуқли, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг энг муҳим масалалари бўйича халқ вакиллари билан маслаҳатлашуви бундай долзарб масалалар юзасидан ҳар томонлама пухта ўйланган, барча тарафларнинг манфаатларига мос келувчи қарорлар қабул қилиш имконини беради ҳамда халқ ҳокимиятчилиги принципига тўлақонли мос келади.

Бунинг натижасида аҳолининг турли қатламлари ҳуқуқ ва манфаатларига мос ижтимоий жиҳатдан самарали қарорлар қабул қилиниши бўйича ҳуқуқий асослар мустаҳкамланади. Сиёсий партиялар, уларнинг депутатлик бирлашмалари дастурий ғояларидан келиб чиқиб, ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилишга интилади.

Фикрлар, қарашлар, позициялар хилма-хиллиги ижро ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг сифати ошишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Бу халқ ҳокимиятчилиги тамойили мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этади.

МАҲАЛЛА – НОЁБ ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТ

Миллий қадриятларга асосланган маҳалла халқимизнинг турмуш тарзини ифода этувчи, руҳий-маънавий эҳтиёжи, мафкураси, тафаккури, инсонларнинг ўзаро қўшничилик алоқалари, оилавий муносабатларни шакллантирувчи маънавий-маърифий маскан, серқирра ижтимоий тузилма ҳисобланади.

Маҳалла ўзининг таъсир кўрсатиш усуллари орқали инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш, фуқаролик жамиятининг муҳим элементи сифатида катта аҳамиятга эга. Бугунги кунда





мамлакатимизда 10 мингга яқин ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни маҳаллалар фуқароларимизнинг ижтимоий муносабатлардаги иштирокининг барча жабҳаларини қамраб олган.

Хусусан, фуқароларнинг давлат бошқарувида иштирокини таъминлаш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришга кўмаклашиш (бағрикенглик, меҳр-оқибат, ҳашар, ўзаро ёрдам, мурувват, ҳамжиҳатлик каби миллий қадриятларни сақлаб қолиш ва кейинги авлодларга етказиш, оилалардаги маънавий муҳитни мустаҳкамлаш) шулар жумласидандир.

Шу боис номзоднинг Сайловолди дастурида белгиланган аҳоли муаммоларини ҳал этишнинг энг самарали ва адолатли шакли сифатида **маҳалла тизимини ривожлантириш,** маъмурий, ижтимоий, экологик, маданий ва бошқа муаммоларни ҳал этишда унинг иштирокини янада кенгайтириш борасида илгари сурилган ғоялар алоҳида диққатга молик.

Ушбу ташаббус маҳалланинг ноёб демократик институт сифатида давлат ва жамият ҳаётидаги мақомини янада мустаҳкамлашга ва шу орқали фуқароларнинг муаммоларини маҳалланинг ўзида, ортиқча оворагарчиликларсиз ҳал этиш учун шарт-шароит яратишга хизмат қилади.

Маҳалла институти ҳаётимизнинг барча жабҳалари билан узвий боғланганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Фуқароларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, касбга йўналтириш, турли масалаларда малакасини оширишни ташкиллаштиришда долзарб ижтимоий функцияни бажаради.

Чунки маҳалла нафақат фуқаролар, балки оилалар, турли соҳа вакиллари ўртасида ижтимоий мулоқот муҳитини мустаҳкамлаш имкониятларига ҳам эга. Ким вақтинча ишсиз, нега ишсиз, унинг меҳнат фаолиятига қизиқиши, эҳтиёжларини қаноатлантириш учун қандай чоралар кўриш мумкинлиги маҳалла доирасида тезроқ ҳал этилиши мумкин.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, маҳалла институти давлат ҳокимияти идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини самарали амалга ошириш, шу орқали турли ижтимоий дастурлар сифатли бажаралишига ижобий таъсир кўрсатишда беқиёс имкониятларга эга ҳисобланади. Битта ҳудуд миқёсидаги ҳар бир маҳаллада жамоатчилик назорати фаол йўлга қўйилганда, маҳаллий ижро ҳокимияти фаолиятида масъулият ва ҳисобдорлик ортади.

Кўриниб турибдики, номзодимиз Сайловолди дастуридаги муҳим ғояларнинг амалга ошиши, электорат манфаатлари самарали ҳимоя қилинишида маҳалла институтининг аҳамияти беқиёсдир.

ЁШЛАР – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ТАЯНЧИ

Мамлакатимизда илғор, демократик меъёрларни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий муносабатларга кенг ва фаол татбиқ этишда ёшлар муҳим ўрин тутади.

Шунинг учун Халқ демократик партиясидан Президентликка номзод дастурида халқ ҳокимиятчилигини мустаҳкамлашда ёшлар масаласига ҳам эътибор қаратилган.

Хусусан, дастурда **салоҳиятли ёшлар сиёсий партиялар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари тизимида фаол ишлашини рағбатлантириш муҳимлиги** таъкидланади.

Дарҳақиқат, дунёвий тараққиётдан маълумки, ёшлар барча даврда жамиятнинг фаол қатлами сифатида эътироф этилган. Шу жиҳатдан бу қатламни доимий рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш муҳим ҳисобланади.

Навқирон авлод вакилларининг манфаатини бошқа кўпчилик қатламлар вакилларининг манфаатига қарши қўймасдан, умуммиллий манфаат билан уйғунлаштириш ёшлар сиёсатининг ўзаги ҳисобланади. Қайд этиш жоизки, ёшлар масалаларига алоҳида эътибор қаратиш ва уларнинг муаммоларини ўрганиш мамлакат истиқболини янада юксалтиришга замин яратади.

Жамиятни ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида ёшларда ўз билимларини мустақил бойитиш, профессионализм ва замонавий кўникмаларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Ёшларнинг маънавий-маърифий эҳтиёжларини ўрганиш ва уларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш, ғайрат-шижоатидан мамлакатимизнинг умумманфаати йўлида фойдаланиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш бугун ҳар қачонгидан долзарбдир.

Бир сўз билан айтганда, ёшлар – эл-юрт эртасини белгилаб берувчи куч. Халқ ҳокимиятчилигига асосланган бошқарувни қарор топтириш, фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш, ижтимоий тенглик ҳамда ижтимоий барқарорлик асоси бўлган демократик қадриятлар устуворлиги кўп жиҳатдан аҳолининг катта қисмини ташкил этувчи ёшларимизга боғлиқ.

Умуман, Халқ демократик партияси сиёсий платформасига мувофиқ шакллантирилган номзод Сайловолди дастуридаги асосий таклиф ва ташаббусларнинг самарали амалга ошиши мамлакатимизда халқ ҳокимиятчилигини мустаҳкамлаш, фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини оширишга хизмат қилади.

Номзод дастурининг асосий ғояларидан бўлган ҳуқуқлар ва имкониятлар тенглигини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ҳолатидан қатъи назар, барча инсонларнинг давлат бошқарувида эркин, фаол иштирок этишини кафолатлаш фуқаролик жамияти институтларининг самарали фаолият юритишига чамбарчас боғлиқдир.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, номзод дастурида барча йўналишларда илгари сурилган таклиф-ташаббуслар бир-бирини тўлдиради, албатта, ижтимоий давлатчилик концепциясига ҳар томонлама мувофиқ келади.

Шу боис, сайловчиларни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Халқ демократик партиясидан номзод Улуғбек Иноятовни қўллаб-қувватлашга чақирамиз!

Ҳеч биримиз бефарқ бўлмаслигимиз, конституциявий ҳуқуқларимиздан фойдаланган ҳолда, қатъий фуқаролик позициямизни кўрсатишимиз, давлатимиз равнақи, юртимиз келажаги учун Президент сайловида фаол иштирок этишимиз зарур.

Шерали МАМАДЕЦОЕВ,
Бахтиёр ТАШЕВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан
Президентликка номзоднинг ишончли вакиллари.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН
ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД УЛУҒБЕК ИНОЯТОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!

JARAYON

ҲАФТА АВВАЛИДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН НОМЗОД УЛУҒБЕК ИНОЯТОВНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДАГИ САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН НАВБАТДАГИ УЧРАШУВЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ. УЧРАШУВЛАРДА ЁШЛАР, ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ АЪЗОЛАРИ, ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ВАКИЛЛАРИ, МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ, ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.



ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР ЎТКАЗМОҚДА



Дастурда иқтисодий сиёсатнинг ижтимоий самарадорлигини таъминлаш учун қатор таклифлар келтирилган. Хусусан, номзод иқтисодиётда давлатнинг фаол роли ва иштироки сақлаб қолиниши кераклигига эътибор беради. Чунки жамиятимизда бозор муносабатларини тартибга солиш ва ижтимоий тенгликни таъминлаш жараёни давлат иштирокисиз бўлмаслиги кундай равшан.

Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб ўтган учрашувни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси, ишончли вакил Халилла Эшимбетов олиб борди. Сайловчиларга номзоднинг таржимаи ҳоли ўқиб берилганидан сўнг, номзод сўзга чиқиб дастуридаги асосий йўналишлар, ундаги ғоя ва ташаббусларнинг мазмун-моҳиятини сайловчиларга тушунтириб берди.

Хусусан, номзоднинг Сайловолди дастурида бозор иқтисодиётининг самарали амал қилиши учун етарли **иқтисодий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш,** рақобатни ҳимоя қилиш баробарида инфляция ва ишсизликни камайтириш **давлатнинг муҳим вазифаси** бўлиши кераклиги илгари сурилмоқда.

Дастурда иқтисодий сиёсатнинг ижтимоий самарадорлигини таъминлаш учун **қатор таклифлар** келтирилган. Хусусан, номзод иқтисодиётда давлатнинг фаол роли ва иштироки сақлаб қолиниши кераклигига эътибор беради. Чунки жамиятимизда бозор муносабатларини тартибга солиш ва ижтимоий тенгликни таъминлаш жараёни давлат иштирокисиз бўлмаслиги кундай равшан.

Шунингдек, дастурдаги **давлатнинг асосий тартибга солувчилик ролини кучайтириш** ғояси конституциявий қоидалар асосида ишлаб чиқилганлигини эътироф этиш лозим.

Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётда давлатнинг асосий тартибга солувчанлик роли бугунги кунда муҳим. Бироқ, эркин бозор муносабатлари тарафдорлари инвестиция муҳитини яхшилаш, иқтисодий фаолиятга эркинлик бериш, валюта ва нарх сиёсатини янада эркинлаштириш, хусусийлаштириш ва иқтисодиётда давлатнинг ролини қисқартиришга ҳаракат қилади.

Иқтисодиётни либераллаштириш ва эркин бозор муносабатлари ҳар доим ҳам жамиятни ижтимоий ривожлантириш мақсадларига эришиш кафолатини бермайди. Чунки эркин бозор қонунлари кези келганда инсонпарварлик тамойилларидан четга чиқиб, ижтимоий тафовутлар ҳамда тенгсизликнинг чуқур илдиз отишига сабаб бўлиши мумкинлиги таъкидланди.

Қолаверса, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган юқори қўшимча қийматга эга товарлар билан тўлдириш барқарор иқтисодий ривожланишнинг асосий омилларидан бири эканини назарда тутган ҳолда, номзод **ишни қуйидан бошлаш**ни таклиф этди. Яъни, маҳаллий ҳокимликлар даражасида ҳаёт учун муҳим ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлар ҳамда кундалик зарур товарларни ишлаб чиқариш бўйича **ўрта муддатли ҳудудий дастурларни шакллантириш лозимлиги,** мазкур дастурлар ҳудудларда иш ўринлари ташкил этишга доир давлат буюртмалари ҳамда ўрта махсус, олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш дастурларига мувофиқ бўлиши кераклиги қайд этилди.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод Улуғбек Иноятовнинг сайловчилар билан Хоразм вилоятида ўтказилган учрашувида жамоат ташкилотлари аъзолари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партия фаоллари, ёшлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Учрашувни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хоразм вилоят кенгаши раиси Раҳимберган Юсупов олиб борди. Ишончли вакил сайловчиларга номзоднинг таржимаи ҳолини ўқиб берганидан сўнг, номзод сўзга чиқиб, дастуридан ўрин олган таклиф ва ташаббуслар мазмунини сайловчиларга тушунтириб берди.

Жумладан, номзоднинг Сайловолди дастурида **давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини самарали амалга ошириш механизмларини белгилаш ҳамда демократик ижтимоий давлатни барпо этиш** ғояларига урғу берилган.

Маълумки, ижтимоий давлатни барпо этиш аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларининг ҳаёти сифатини оширишга, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирокини таъминлашга, умуман, инсон манфаатлари билан боғлиқ ҳуқуқларини адолатли ҳамда демократия тамойилларига асосланган ҳолда ҳимоя қилишга хизмат қилади. Шу сабабдан ҳам номзоднинг дастуридан бу масала ўрин олган.

Дастурда **давлат ва жамият томонидан иқтисодий ривожланишни мувофиқлаштириш ҳамда тартибга солиш бўйича тизимни шакллантириш учун** иқтисодиётда таркибий ислоҳотларни амалга ошириш ва янги технологияларни жорий этиш масалалари бўйича барча жабҳаларда **ижтимоий мулоқот ва жамоат назорати механизмини** жорий этиш таклиф қилинмоқда.

Шунингдек, ушбу жараёнларни аҳолининг барқарор, юқори ҳақ тўланадиган иш ўринларида бандлигини ошириш, меҳнат муҳофазаси, ишлаб чиқаришнинг экологик тозалигини таъминлаш билан уйғунликда олиб бориш орқали жамиятни ижтимоий ривожлантириш мақсадларига эришиш кўзда тутилган.

Номзоднинг дастурида аҳоли муаммоларини ҳал этишнинг энг самарали ва адолатли шакли сифатида маҳалла тизимини ривожлантириш, маъмурий, ижтимоий, экологик, маданий ва бошқа муаммоларни ҳал этишда унинг тўлиқ иштирокини таъминлаш борасида илгари сурилган ғоялар ҳам диққатга моликдир.

Зеро, демократик давлатда маҳалла ўзининг таъсир кўрсатиш усуллари орқали инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш, фуқаролик жамиятининг муҳим элементи сифатида катта аҳамиятга эга.

Учрашувда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг асоси сифатида **барқарор иш ўринлари билан таъминлашга қаратилган қонунчилик базасини такомиллаштириш ҳамда меҳнатга лаёқатли аҳолининг шахсий ташаббусларини янада рағбатлантиришга** дастурда алоҳида урғу берилгани айтиб ўтилди.

Фуқароларнинг касбий тайёргарлиги, қайта тайёрланишини ташкил этиш ва рағбатлантириш, якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахслар шуғулланиши мумкин бўлган соҳаларни ҳамда ўзини ўзи банд қилган деб ҳисобланадиган фаолият турлари рўйхатини кенгайтириш билан боғлиқ таклифлар ишсизлик, ижтимоий тенгсизлик каби муаммоларнинг натижадор ечими сифатида ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётнинг барқарор ривожини кафолатлайди.

Учрашувлар самимий ва кўтаринки кайфиятда ўтди. Унда сайловчилар ўзларини қизиқтирган саволлар билан Президентликка номзодга мурожаат қилди. Номзод ҳам сайловчиларнинг саволларига бирма-бир жавоб қайтарди ва фикр-мулоҳазаларини тинглади.

Учрашувларда сўзга чиққан фаоллар Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Президентлигига номзод дастурини қўллаб-қувватлашга, сайловда фаол фуқаролик позициясини намоён этган ҳолда иштирок этишга даъват қилишди.



Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ахборот хизмати.

ТАКЛИФ, ТАҲЛИЛ ва МУЛОҲАЗА

Қонунчилик палатасида иш қизғин давом этмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бир қатор масалалар муҳокама қилинди.

Дастлаб мажлисда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ижара ва лизинг муносабатларини тартибга солишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда муҳокама қилинди.



Иккинчи ўқишда кўриб чиқилган қонун лойиҳасида ижара ва лизинг муносабатларига оид 2 та қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутиляпти.

Яъни, **кейинчалик сотиб олиш шарти билан ижарага бериш шартномасининг аниқ таърифи, шартнома объектини тасарруф этиш ва гаровга қўйиш, ундирувга қаратишнинг ўзига хос хусусиятлари киритилмоқда.**

Амалдаги қонунчиликда кейинчалик сотиб олиш шарти билан ижарага олувчиларнинг келгусида шартнома объектини мулк қилиб олишдаги ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир механизмлар етарлича эмас. Шу боис, ушбу турдаги шартноманинг ўзига хос хусусиятларини қонунчиликда аниқ акс эттириш таклиф этилмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, лойиҳанинг қабул қилиниши ижара ва лизинг муносабатларида қонунийликни таъминлаш ва фирибгарлик жиноятларининг олдини олиш, шунингдек, лизинг муносабатлари субъектлари ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этишга хизмат қилади.

Лойиҳа бўйича депутатлар ўзларининг бир қатор таклифларини беришди. Хусусан, Палата спикери лизинга берувчи ва олувчи ўртасида шартнома тузилган пайтдан бошлаб мулкнинг гаровга олиниши назарда тутилаётгани уларнинг имкониятини чеклаши мумкинлигини таъкидлади ва қонуннинг шу қисмини биринчи ўқишдаги ҳолатига қайтаришни таклиф қилди.

Қонун ташаббускорлари ҳам депутатларнинг таклифлари ўринли эканини ва таклифлар инобатга олинишини айтишди.

ЖАЗОНИ ЎТАБ БЎЛСА, СУДЛАНМАГАН ҲИСОБЛАНАДИ...

Шу куни мажлисда “Вояга етмаганларга нисбатан жиноий жавобгарлик янада либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда атрофлича кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан шахснинг вояга етмаган даврида содир этган жинояти учун қонун олдида ўз жазосини тўлиқ ўтаб бўлгандан сўнг, унинг оқибатлари келгуси ҳаётига таъсир қилмаслиги ва ўз ҳаётини янгидан бошлаши учун имконият берилишини таъминлаш мақсадида **вояга етгунига қадар содир этган жинояти учун жазони ўтаб бўлган шахс судланмаган,** деб ҳисобланиши белгиланмоқда.

Айни қонунда вояга етмаганларга нисбатан озодликни чеклаш ҳамда озодликдан маҳрум қилиш жазосининг **энг кам муддатини 6 ойдан 1 ойга қисқартириш назарда тутилмоқда.**

ВАЗИР АХБОРОТИ ЭШИТИЛДИ

Кун тартибидаги яна бир масала “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан депутатлар Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири Азиз Абдуҳакимовнинг ахборотини эшитишди.

Таъкидланганидек, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар йил камида 200 миллион туп дарахт экиш назарда тутилган. 2022 йилда жами 202,7 млн. туп дарахт кўчатлари экилган бўлса, бу кўрсаткич жорий йил баҳор мавсумида 127,7 млн. тупни ташкил этган.

Кўчат экиш ишлари вилоят, туман, маҳаллалар, таълим муассасалари, вазирлик ва идоралар кесимида тасдиқланган манзилли дастурлар асосида йўлга қўйилган.

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш мақсадида кўчат етиштириш ишларига тадбиркорлик субъектлари ва ишсиз фуқаролар кенг жалб этилган. Жумладан, **жорий йилда аҳоли томорқаларида 55 млн туп, тадбиркорлик субъектлари томонидан 49 млн тупдан зиёд манзарали, мевали дарахт ва буталар кўчатлари етиштирилган.**

Йиғилишда халқ вакиллари экилган дарахтларни сақлаб қолиш мақсадида суғориш тизимларини ва сув чиқариш қудуқларини ташкил этиш, бу жараёнларда сув тежовчи технологиялардан самарали фойдаланиш, кўчат етиштириш ишларига хусусий тадбиркорлар ва ишсиз фуқароларни ҳақ эвазига кенг жалб этиш, дарахт ва буталарнинг зараркунандалари ҳамда касалликларига қарши курашиш тадбирларини амалга ошириш лозимлигини таъкидладилар.

Шунингдек, кўчатхоналар сонини ошириш, ҳудудларда иқлимга мос, кам сув талаб қиладиган дарахт навларини кўпайтириш, ҳар бир ҳудуднинг иқлими, тупроқ шароитларидан келиб чиққан ҳолда дарахт тури ва экиш жойларни белгилаш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар берилди.

Савол-жавоб ва муҳокамаларга бой бўлган мажлисда депутатлар томонидан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси юзасидан атрофлича маълумотлар тақдим этилгани эътироф этилиб, вазирнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинди.

Аҳмад ҚУРБОНОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

САЙЛОВЧИЛАР МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРМОҚДА

Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига кўра сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган ҳар бир сайловчи муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга, дея таъкидланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 4-Жиззах округи бўйича Жиззах шаҳри ва 12 та туман ҳудудида жами 524 та сайлов участкаси тузилган бўлиб, сайлов участкаларида муддатидан олдин овоз бериш жараёнлари ҳеч қандай тўсиқларсиз амалга оширилмоқда.

Сиёсий партиялар, вилоят ташкилотлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари бошқарув органи мурожаатлари асосида 4-Жиззах округ сайлов комиссия томонидан вилоятдаги 524 та сайлов участкасида овоз бериш жараёнларини кузатиш учун партиялар ва маҳалла фуқаролар йиғинлари вакилларига кузатувчи мандати тўлиқ етказиб берилган.

– Сайлов участкаларимизнинг барчасида юқори тезликдаги интернет ва сифатли телефон алоқасини таъминлаш учун зарур чора-тадбирлар кўрилган. Ҳар бир туманда сайлов участкасида овоз бериш жараёнларини онлайн кузатиб бориш имконияти мавжуд, – дейди 4-Жиззах округ сайлов комиссияси раиси Шавкат Шарипов.

Жиззах шаҳри “Наврўз” маҳалла фуқаролар йиғинидаги “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ Жиззах филиалида 42-сайлов участкаси жойлашган. Ушбу участка сайлов комиссиясида жами 11 нафар аъзо фаолият олиб бормоқда.

– Сайлов участкамизда 1 минг 966 нафар сайловчи рўйхатга олинган бўлиб, шундан эркаклар 982, аёллар 984 нафарни ташкил этади ва сайловчиларимиздан ўз уйида овоз берувчилар сони 34, биринчи маротаба овоз берувчилар сони 11 нафардан иборат, – дейди 42-участка сайлов комиссияси раиси Шуҳрат Абдураҳимов. – Маҳаллада мавжуд 14 та кўчанинг барчасига комиссия аъзолари бириктирилган ва сайловга таклифномалар тўлиқ тарқатиб бўлинди. Жорий йилнинг 28 июнидан 4 июль эрталаб соат 9:00 га қадар сайловчиларимизнинг 22 нафари ўзлари муносиб деб билган номзодга муддатидан олдин овоз берди.

4 июль куни яна 7 нафар сайловчи муддатидан олдин овоз бериш жараёнида иштирок этаётган экан. Биз улардан бирини суҳбатга чорладик.

– Жорий йилнинг 9 июль куни ўтадиган Президент сайлови куни биз оила аъзоларимиз билан дам олишда бўламиз. Эртага эрталаб оиламиз билан жўнаб кетяпмиз. Шу сабабдан ҳам бугун, муддатидан олдин овоз бердик. Мен ўзим муносиб деб топган, юрт тинчлиги, халқ манфаати ва фаровонлигини ўйлайдиган, ёшларимиз учун порлоқ келажак қуриш йўлида астойдил тиним билмай жон куйдираётган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига муносиб деб билган номзод учун овоз бердим, – деди “Наврўз” МФЙда истиқомат қилувчи оилавий тадбиркор Ҳуррият Муртазоева.

4-Жиззах округи бўйича жорий йилнинг 4 июль эрталаб соат 9:00 га қадар 5 минг 257 нафар сайловчи муддатидан олдин ўзлари муносиб деб топган номзодга ўз овозларини бериб бўлди.

А.ҚАЮМОВ,
ЎзА мухбири.



Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ҳаётий ташаббусларнинг ҳар бири дунё ҳамжамияти нигоҳида

«The Korea Post» журнали бош муҳаррири Кевин Ли «Дунё» АА мухбири билан суҳбатда мамлакатимизда муддатидан илгари Ўзбекистон Президенти сайлови ҳақидаги фикрларини билдирди:

– Мен Ўзбекистон ҳақида жуда кўплаб мақолалар ёзган журналистман. Шунинг учун ҳам мамлакатингиздаги барча соҳаларда амалга оширилаётган ўзгаришларни қизиқиш билан кузатиб бораман.

Яқинда Ўзбекистон Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан ўтказилган референдум натижасида халқингизнинг янада эркин ва фаровон яшаши учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилганини алоҳида эътироф этишни истар эдим. Айниқса, инсон ҳуқуқлари, сўз эркинлиги, гендер тенглик каби соҳалардаги ижобий ўзгаришлар Конституцияда яққол ўз аксини топган.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ҳаётий ташаббусларнинг ҳар бири дунё ҳамжамияти нигоҳи Ўзбекистонга қаратилишига сабаб бўлмоқда.

Яқинда элчихона билан ҳамкорликда Ўзбекистондаги конституциявий ислоҳотларга бағишланган «The Korea Post» журналининг махсус сонини чоп этдик. Ушбу махсус сонида Конституциявий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини ўзида акс эттирган мақолалар жой олган.

Албатта, ўзаро ҳамкорлигимиз бу билан тўхтаб қолмайди. «The Korea Post» журнали 9 июлда Ўзбекистонда бўлиб ўтадиган Президентлик сайловини ўз саҳифаларида кенг ёритиш мақсадида ўзининг вакилини Тошкентга юборади. Журнал мухбири томонидан тайёрланадиган материаллар сайлов куни нашриёт расмий вебсаҳифасига қўйилиб борилади. Бундан ташқари, биз сайлов якунлари бўйича ҳам туркум мақолаларни журналнинг босма нашрида чоп этилишни режалаштирганмиз.



TADBIR

СТАТИСТИКА АГЕНТЛИГИ “СТАТИСТИКА ИШЛАРИ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА БАЖАРИЛГАН ИШЛАР ҲИСОБОТИ” МАВЗУИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗДИ. АНЖУМАНДА СТАТИСТИКА МАЪЛУМОТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ТАРҚАТИШ ҲАР ЙИЛИ МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРНИНГ СТАТИСТИКА МАЪЛУМОТЛАРИГА ЭҲТИЁЖЛАРИНИ ИНОБАТГА ОЛГАН ҲОЛДА ИШЛАБ ЧИҚИЛИБ, ОММАГА ЭЪЛОН ҚИЛИНАЁТГАНИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ БЕРИЛДИ.



НИҲОЯТ, МИНИМАЛ ИСТЕЪМОЛ ХАРАЖАТЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

– 2023 йил январь-июнь ойларида халқаро ташкилотларнинг 21 та саволнома, жумладан, БМТ Статистика бўлимининг 7 та, Европа иқтисодий комиссиясининг 2 та, ЮНЕСКО статистика институтининг 3 та, Халқаро Меҳнат ташкилотининг 1 та, Халқаро Электроалоқа Иттифоқининг 1 та ва бошқа халқаро ташкилотларнинг 7 та саволномаси тўлдирилди ва тақдим этилди, – дейди Статистика агентлиги директори ўринбосари Зоҳиджон Зияев. – Бундан ташқари, 4 та халқаро маълумот базаларидаги, хусусан, Халқаро валюта жамғармасининг кенгайтирилган маълумотларни тарқатишнинг умумий тизими доирасида, шунингдек, МДҲ, “COMTRADE” ва “TRANSMONEE” маълумотлар базаларида Ўзбекистоннинг статистика кўрсаткичлари ўз вақтида янгиланди.

Шу билан бирга, товарлар савдоси бўйича БМТнинг “COMTRADE” ахборот базасида 3 мингдан ортиқ товар турлари бўйича Ўзбекистон Республикаси маълумотлари ҳар ойда янгилаб борилиши таъминланаяпти. Агентлик расмий веб-сайтининг “Расмий статистика” бўлимида қатор статистика йўналишлари бўйича 400 дан ортиқ статистика маълумотлари тўпламлари эълон қилинди.

Анжуманда Ўзбекистонда минимал истеъмол харажатлари июль ойида эълон қилиниши ҳақида ҳам маълумот берилди. Агентликнинг маълум қилишича, бу йил аввалги йилдагидан фарқли равишда кўпроқ товар ва хизматлар турлари бўйича кузатувлар ўтказилган. Кўрсаткични қайта ишлаш жараёни кўпроқ вақт олгани учун уни йил ярмида, яъни июль ойида эълон қилиш режалаштирилган.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 2021 йилгача минимал истеъмол харажати ҳисоб-китоби амалга оширилмаган. 2021 йилда Вазирлар Маҳкамасининг минимал истеъмол харажатлари қийматини ҳисоблаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган. Ҳужжат бўйича 2021 йилда бутун республика бўйича 10 мингтадан ортиқ уй хўжалигида кузатув ўтказилган.

Бу кузатувлар натижасида 80 дан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотлари, 100 дан ортиқ ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлар статистик маълумотлари йиғиб олинган ва Жаҳон банки экспертлари, Статистика агентлиги ва ўша вақтдаги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан эълон қилинган.

Унга кўра, минимал истеъмол харажатлари 2021 йил нархларида 440 минг сўмни ташкил этган. 2022 йилда эса бир киши учун минимал истеъмол харажатларининг янги миқдори 13,2 фоизга ошиб, 498 минг сўм этиб белгиланган.

– Минимал истеъмол харажатлари июль ойида эълон қилиш режалаштирилган, – дейди Статистика агентлигининг бошқарма бошлиғи Одилжон Мамадалиев. – Чунки аввалги йилдаги кузатув билан бу йилги кузатув орасида фарқ бор. Статистиканинг асосий қоидаларидан бири маълумотларнинг солиштирма бўлиши ҳисобланади. Бугунги кунда янги ўрганилган уй хўжаликлари маълумотларига таяниб, шаклланган кўрсаткични қайта ишлаш жараёни бироз вақт олиши нуқтаи назаридан ушбу ойда эълон қилиш режалаштирилган.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

“МИКРОКРЕДИТБАНК”:

МАСОФАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА



“Микрокредитбанк” АТБ томонидан банкнинг “Алоқа маркази”га бир гуруҳ республика ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида пресс-тур ташкил этилди. Унда иштирокчилар банкда алоқа марказининг фаолияти, ишлаш тартиби, операторларнинг барча турдаги хизматларни масофавий шаклда олиб боришлари билан бевосита яқиндан танишиш имконига эга бўлишди.

Хусусан, “Микрокредитбанк”да бугунги кунда масофавий банк хизматларини кенг жорий қилиш, улар ёрдамида мижозларга қулайлик яратиш учун тизимли ишлар олиб борилмоқда. Ана шундай хизмат турларидан бири, “Алоқа марказлари”ни ташкил этилиши тизимда бўладиган муаммоларни ҳал қилиш ҳамда банк хизматлари тўғрисида керакли маслаҳат ва тавсияларни олиш имконини беради. Ушбу тизим орқали мижоз тўғрисидаги маълумотлар йиғилиб, эҳтиёжларни олдиндан аниқлаш, шунингдек, автоматлаштирилган маркетинг ва прогнозлаштирилган сотувларни амалга ошириб, мижозларга янги хизмат турлари таклиф этиш мумкин.

Маълумот ўрнида яна шуни айтиш мумкинки, “Микрокредитбанк”да 2020 йил ноябрь ойида банк мижозларига қўшимча қулайлик яратиш мақсадида “Алоқа маркази” ташкил этилганди. 2021-2022 йиллар давомида ушбу марказ фаолиятида жадал трансформация жараёнлари амалга оширилди. Масалан, марказлашган дастурий таъминот “Flora/Oktell” чет эллик мутахассислар билан ҳамкорликда жорий этилди ва марказ фаолиятига доир имкониятлар, функциялар, мижозлар учун мавжуд бўлган қулайликлар кўлами кенгайтирилди.

Марказда айни вақтда 14 нафар ходим фаолият юритмоқда. Фуқароларнинг асосий ва кўп берадиган саволлари бу – кредит йўналишлари (жисмоний шахс ва имтиёзли кредитлар), мобиль иловадан фойдаланиш, банк карталари ва бошқалар.

Статистик маълумотларга кўра, 2022 йил мобайнида “Алоқа маркази”га банк мижозларидан 63 629 та мурожаат келиб тушган бўлса, жорий йил январь-июнь ойларида эса ушбу кўрсаткич 75 674 тани ташкил этган. Эътиборли жиҳати, ушбу бўлаётган мурожаатларнинг деярли барчаси ўзининг ижобий ечимини топаётгани ҳар жиҳатдан аҳамиятлидир.

Бундан ташқари, 2023 йил май ойидан бошлаб, “Алоқа маркази” томонидан мижозларга қўшимча қулайлик яратиш мақсадида мурожаатларни тизимли қайта ишлаш бўйича янги “Jira” дастури жорий этилди. Ушбу дастур, банк мижозларидан келиб тушаётган барча мурожаатларни тизимли қайта ишланишига, сақланишига ва марказ ходимлари томонидан ўз вақтида юқори даражада хизмат кўрсатилишига имконият яратиб берди.

Пресс-тур давомида ҳар куни “1285” қисқа рақами орқали мамлакат бўйлаб аҳолидан мурожаат қабул қилинаётгани ва бу мурожаатларнинг сони кунига ўртача 700 дан зиёдни ташкил этаётгани тўғрисида ҳам маълумотлар берилди.

Тоштемир МУРОД.

БИЛАСИЗМИ?



БОЛАЛАР НАФАҚАСИ НЕЧА ЁШГАЧА БЕРИЛАДИ?

Болалар нафақаси 12 ой муддатга тайинланади, бироқ оиланинг энг кичик ёхуд ягона боласи тегишлича ўн саккиз ёшга тўлган ойнинг охиригача тўланади.

Моддий ёрдам бола(болалар)сиз ёки барча болалари 18 ёшдан катта бўлган оилаларга ва якка-ёлғиз фуқароларга 6 ой муддатга тайинланади ва тўланади.

Агар бир оилада туғилган, фарзандликка олинган ёки васийликка қабул қилинган болалар эгизак бўлса, уларнинг бири ёши 3 ёшгача бўлган кичик бола, кейингилари мос равишда иккинчи, учинчи ёки тўртинчи ҳисобланади.



ОТМГА ЎҚИШГА ТОПШИРИШДА ҚАНДАЙ ҲУЖЖАТЛАР КЕРАК БЎЛАДИ?

Қонунчиликка кўра, абитуриентлар олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун ҳужжатларни қабул қилиш бўйича давлат хизматларидан фойдаланиш учун Давлат хизматлари марказларига мурожаат этади ёки давлат хизматларидан электрон тарзда фойдаланиш учун ЯИДХП (my.gov.uz) орқали рўйхатдан ўтади.

Имтиёзга эга абитуриентлар, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва паспорт ёшига етмаганлар давлат хизматларидан фойдаланиш учун марказларга мурожаат этади.

Абитуриент ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, марказ ходими абитуриент номидан, ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда эса, мустақил равишда сўровнома бўйича маълумотларни Давлат тест марказининг тизимига махсус дастур орқали электрон равишда киритади.

Марказ ходими томонидан сўровномага тегишли маълумотлар киритилиши учун абитуриент марказ ходимига қуйидаги ҳужжатларнинг асл нусхасини тақдим этади:

– фуқаролик паспорти (ички ишлар бўлимлари томонидан берилган 09-шакл бўйича жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами, паспорт серияси ва рақами кўрсатилган маълумотнома);

– паспорт ёшига етмаганлар учун туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;

– умумий ўрта таълим (11-синф негизида) ёки ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасини тугатганлиги ҳақидаги ҳужжат (иловаси билан);

– Президентнинг ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган тартибда имтиёзга эга бўлган абитуриентлар имтиёз ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.

Ҳужжатларни қабул қилишнинг белгиланган муддатлари тугагандан сўнг сўровномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш қатъиян ман этилади.

ҚАЙСИ ТОИФАДАГИ ШАХСЛАР ХУСУСИЙ ПУЛЛИК ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИДА ТИББИЙ ХИЗМАТНИ БЕПУЛ ОЛИШЛАРИ МУМКИН?

Хусусий тиббиёт муассасалари томонидан аҳолининг қуйидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига (стоматология ва косметология хизматларидан ташқари) бепул тиббий хизматлар кўрсатилади:

– ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшовчи кексалар;

– I ва II гуруҳ ногиронлари, ногирон болалар;

– муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқаролар;

– ижтимоий аҳамиятга молик касалликларга чалинган шахслар;

– етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар;

– 1941–1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, уларга тенглаштирилган шахслар;

– 1941–1945 йиллардаги уруш даврида меҳнат жабҳасининг қатнашчилари;

– қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ижтимоий ҳимояга муҳтож деб топилган бошқа шахслар.

Хусусий тиббиёт муассасалари томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга бепул тиббий хизматлар кўрсатиш учун уларнинг шахсини ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга мансублигини тасдиқловчи ҳужжатларининг мавжудлиги асос бўлади.

Ҳуқуқий ахборот портали.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва Хоразм вилоят кенгаши халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши депутати Сайёра Абдикаримовага акаси

Озод АБДИКАРИМОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



ХУҚУҚЛАР ТЕНГ ВА КАФОЛАТЛАНГАН БЎЛИШИ МУҲИМ

Улуш қўшган ҳолда қуришда иштирок этиш тўғрисида қонун қабул қилиш таклиф этилмоқда

БУГУН УЛКАН ҚУРИЛИШ МАЙДОНИГА АЙЛАНГАН МАМЛАКАТИМИЗДА КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИГА БЎЛГАН ТАЛАБ ҲАМ, ЭҲТИЁЖ ҲАМ ЮҚОРИ. АЙНИҚСА, ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИ, КЎП КВАРТИРАЛИ УЙЛАРГА ҲАМИША ХАРИДОР БОР. ЯНГИ ДАҲАЛАР, ҲАТТО ШАҲАРЛАР ҚУРИЛЯПТИ. МИНГЛАБ ОИЛАЛАР УЙ-ЖОЙЛИ БЎЛАЯПТИ. БУЛАРНИНГ БАРЧАСИ ҚУВОНАРЛИ, АЛБАТТА.

УЙ-ЖОЙ, КЎЧМАС МУЛК ҚУРИЛИШИ РИВОЖЛАНИШИ, ХУСУСИЙ СЕКТОРНИНГ БУ ФАОЛИЯТ БИЛАН КЕНГ ВА ФАОЛ ШУҒУЛЛАНАЁТГАНИ ҲАМ КАТТА ЮТУҚЛИ ҲОЛАТ. ҚУРИЛИШ КОМПАНИЯЛАРИ БИНО ҚУРИЛИШИНИ БОШЛАШИ БИЛАН ХАРИДОРЛАР ҲАМ ЧИҚЯПТИ. КЎЧМАС МУЛК БОЗОРИ ТАЛАБ ВА ТАКЛИФГА ҚАРАБ ТАБИИЙ РИВОЖЛАНМОҚДА. СОҲАДА ИҚТИСОДИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР ИЗЧИЛ КЕНГАЙИБ БОРЯПТИ. ШУНДАЙ ҲОЛАТДА ТЕГИШЛИ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА.

ҚУРУВЧИ ТАШКИЛОТ, ТАДБИРКОР ВА МИЖОЗ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРДА АНГЛАШИЛМОВЧИЛИКЛАР, ЮРИДИК ЖИҲАТДАН ҲАЛ ЭТИЛМАГАН МАСАЛАЛАР ЧИҚИБ ҚОЛЯПТИ.

МАСАЛАН, ОДАМЛАР УЙ ОЛИШ УЧУН КАТЛАВАН ҚАЗИЛГАНДАЁҚ ПУЛ ТЎЛАЙДИ. АНА ШУНДАЙ ПУЛ ЭВАЗИГА ТАДБИРКОР ИМОРАТ КЎТАРАДИ. АЙТИЛГАН ВАҚТДА УЙ БИТМАЙДИ. НАТИЖАДА ТОМОНЛАР ЎРТАСИДА МОЖАРОЛАР ЮЗАГА КЕЛАДИ.

ЮҚОРИДАГИЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА, ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОД ДАСТУРИДА ЯХШИ БИР ТАКЛИФ ИЛГАРИ СУРИЛГАН. ТУРАР ЖОЙЛАРНИ ҚУРИШДА ЖАЛБ ҚИЛИНГАН АҲОЛИ МАБЛАҒЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КАФОЛАТЛАРИНИ ЯРАТИШ МАҚСАДИДА “КЎП КВАРТИРАЛИ УЙЛАР ВА БОШҚА КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ УЛУШ ҚЎШГАН ҲОЛДА ҚУРИШДА ИШТИРОК ЭТИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУННИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ МАҚСАДГА МУВОФИҚЛИГИ ТАЪКИДЛАНМОҚДА.

ҲУҚУҚИЙ АСОСГА ЭҲТИЁЖ

Жамиятдаги ҳар қандай муносабат ўзининг ҳуқуқий асосига эга бўлиши демократия мезонларидан бири саналади. Айнан уй-жой қуришда улуш эгасининг иштироки билан боғлиқ масала ҳам ана шулар жумласидандир. Бугун уй-жой учун пул тўлаб, ўз уйини ололмай юрганлар тез-тез учрамоқда. Бунинг сабабларини билиш мақсадида **Тошкент давлат юридик университети ўқитувчи Дониёр Имомназаровга мурожаат қилганимизда, бу борада махсус ҳуқуқий тартиб белгиланмагани**ни таъкидлади.

Унинг сўзларига кўра, бугун қурувчи ҳамда фуқаро ўртасида тузилаётган шартнома амалиётда энг кўп қўлланилаётган ҳужжатлардан бирига айланган. Аммо у қонунчилигимизда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган. Яъни, **амалдаги Фуқаролик кодекси ёки фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни тартибга соладиган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда бу шартномага оид бўлган махсус қоида йўқ.**

Шунга қарамай, Фуқарлик кодексининг шартномага оид бўлган умумий қоидалари ичида қонунчиликка зид бўлмаган шартномани тарафлар ўзлари бемалол тузиши мумкинлиги айтилган. Мана шу шартномалар эркинлиги принципи доирасидан келиб чиқиб, фуқаролар ҳамда қурувчи ташкилотлар ўртасида келишувлар имзоланяпти.

Фуқаролик қонунчилиги айтадики, тарафлар ўзи эрк ва иродасидан келиб чиқиб, шартнома шартларини мустақил белгилайди. Бу ҳам эркин шартнома тузиш билан боғлиқ элементлардан бири. Шундай бўлгач, шартномада белгиланган қоидалар асос қилиб олинади ва фақат шунинг ўзи ҳуқуқий кучга эга бўлади. Бироқ бугунги кунда ана шундай шартномаларнинг салбий томонлари анчагина.

Хусусан, **фуқаронинг ҳуқуқларини камайтирадиган ёки заиф томон сифатида унинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини анчагина чеклайдиган тарзда шартномалар тузилмоқда.** Яна ҳам очиқроқ айтадиган бўлсак, одамларнинг ҳуқуқий билими камлиги, шартномани ўқиб, ўрганмасдан имзолаши натижасида унда нималар ўрин олганини кўпчилик билмайди. Оқибатда жабр кўрувчи ҳам айнан уларнинг ўзи бўлиб қолмоқда.

ҚУРУВЧИ БОШЛАГАН ЎЙИННИНГ “ЎЙИНЧИСИ”

Ҳали йўқ нарсага қурувчи ва мижоз ўртасида шартнома имзоланади. Мисол учун, одамларнинг 30 ёки 50 фоиз тўлови эвазига иморат кўтариш бошланади. Ҳаммада ҳар хил тартибда фоизсиз муддатли тўлов шаклида маблағнинг қолган қисми тўлаб борилиши белгиланади. Қизиғи шундаки, уларнинг аксариятида кўрсатилган шартлар қурувчи фойдасига ишлайди.


Айтайлик, 2025 йил 30 апрелда объектни топширишга келишилдими, ўша вақтда бажарилиши шарт. Лекин шартнома шартларини қарасак, бу муддатни қурувчининг ўзи истаганича ўзгартириши мумкин. Шартномани ўрганмасдан уни имзолаганлар эса натижада қурувчи бошлаган “ўйин”нинг ўйинчисига айланяпти. Яъни, “ўйин” қоидаларини қурувчининг ўзи белгилаяпти. Иккинчи томон эса бу шартларга рози бўлиб, имзо қўймоқда.

Муддатни ўзи истаганча ўзгартиришини “кадастр ҳужжати чиққунига қадар”, “ҳокимиятнинг қарори чиққунича” ёки “тарафларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра”, деган умумий жумлалар билан ўз-ўзини суғурталаяпти ва мажбуриятдан олиб қочяпти.

Ваҳоланки, шартномада томонлар манфаатлари тенг равишда ҳимояланиши зарур. Бунда ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўртасидаги мувозанат муҳим саналади. Бугунги кунда юзага келаётган низоларга, фуқароларнинг пулини тўлаб, уйсиз юришига айнан қурувчиларни жавобгарликка тортишга ҳуқуқий асоснинг йўқлиги сабаб бўлмоқда. Шу сабабли махсус меъёрлар билан қонунчиликдаги бўшлиқлар тўлдирилиши лозим.

ДИСПОЗИТИВ ВА ИМПЕРАТИВ МЕЪЁРЛАР

Қонунчиликда диспозитив ва императив меъёрлар тушунчаси мавжуд. Диспозитив, яъни қаттиқ меъёрлар бўлиб, бажаралиши шартлиги ва ўзгартирилиши мумкин эмаслигини билдиради. Бу шартнома доирасида ҳам қаттиқлаштирилган меъёрлар киритилиши лозим. Маълум бир фуқаролик билан боғлиқ ҳужжатлар билан белгиланадиган аниқ қоидалардан четга чиқа олмайдиган шартлар ўрин олиши керак.



Энг катта минуслардан бири шундаки, пулни шахс тўлайди, инвестиция тариқасида тикилган ўша маблағ эвазига унга қурувчи ташкилот уй қуриб беради. Яъни, қурувчи фуқаро берган пулни қурилиш материаллари сотиб олиш, ишчиларнинг ойлигини тўлаш ёки бошқа эҳтиёжлар учун сарфлайди. Хуллас, биз бераётган пулни ўзи истаганича тасарруф этади ва шартномада ҳам ана шундай шартни киритади. Хориж давлатлари амалиётида бу бошқача ишлайди.

Мисол учун, қўшни Қозоғистон ёки Россияни олайлик. Уларда фуқаро тўлаган пул алоҳида махсус ҳисоб рақамга тушади. Қурувчи ушбу пулларни ўзи истаганича ишлатиб юбора олмайди. Объектни қуриб, келишилган муддатда уни эгаларига топширади. Бу борада имзоланган далолатнома асосида банкдаги пуллар қурувчининг ҳисоб рақамига ўтади. Бу билан **аҳоли маблағлари кафолатли ҳимоя қилинади.**

Яна бир жиҳати. Агар қурувчи белгиланган муддатда уйни эгасига топширмаса, пеня ёки бошқа тартибда жарима тўланади. 2020 йилдан буён ишлаб чиқилиши бошланган Фуқаролик кодексининг янги лойиҳасида бу каби масалаларнинг барчаси инобатга олинган. Ундан ўрин олаётган 2000 дан ортиқ меъёр олимларнинг ўрганишлар, давомили муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Пудрат шартномаси деган алоҳида тушунча бор. Ана шу меъёрларга уй-жой қуришда улушнинг иштирок этиши билан боғлиқ қоидалар белгиланяпти.

УЛУШ ҚЎШИШДАГИ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАР

Хўш, улуш қўшган ҳолда кўчмас мулк объектини қуриш тушунчаси нимани англатади?

Икки томон — фуқаро ҳамда қурувчи келишган ҳолда иморат қуряпти. Бунда фуқаро пул беради, қурувчининг лойиҳаси, асбобускуналари, ишчилари, дизайни ҳамда қисман қурилиш воситаларини киритган ҳолда бирор бир лойиҳани амалга оширади ва бу улушда иштирок этиш дейилади.

Бунда қурувчининг мажбурияти белгиланган муддатда ва сифатда объектни топшириши шарт. Истеъмолчи эса белгиланган суммани ўз вақтида тўлаб бориш орқали ўз асосий мажбуриятини бажаради. Энди ҳар икки тарафнинг ҳуқуқлари ҳам кўрсатилиши лозим. Бунда истеъмолчи пудратчининг ишига аралашмаган ҳолда, жараённи ҳамда сифатни назорат қилиши мумкин. Масалан, қандай материал ишлатаяпи, қайси босқичга келди каби масалаларни бемалол кузатиши мумкин. Қурувчи эса ҳар муддат пулни сўраб олиш ҳуқуқига эга.

Жавобгарлик масаласи ҳам белгиланади. Бунда барқарор бўлмаган равишдаги жарима ёки пеня ҳолатда жарима ундирилади. Айтайлик, қурилиш муддат кечиктирилса, ҳар бир кун учун шартнома баҳосининг 0,01 ёки 0,2 фоизи миқдорида пеня тўлайди. Шунингдек, мажбурият бажарилмаса, истеъмолчидан ҳам ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,3-0,5 фоиз миқдорида пеня ундирилади.

Ўзбекистон ХДП номзоди дастуридаги таклиф бўйича “Кўп квартирали уйлар ва бошқа кўчмас мулк объектларини улуш қўшган ҳолда қуришда иштирок этиш тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиб, қабул қилиниши уй-жойга бўлган устувор ҳуқуқларни кафолатлашда, аҳоли маблағларини ҳимоялашда, соҳадаги иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан изчил тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

REKLAMA O‘RNIDA

+32 +37 Қорақалпоғистон Республикаси Хоразм | +33 +38 Бухоро Навоий | +31 +36 Тошкент Самарқанд Жиззах Сирдарё | +34 +39 Қашқадарё Сурхондарё | +33 +38 Андижон Наманган Фарғона | +33 +35 Тошкент шаҳри

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi info www.uzbovozi.uz

“OSTEX COLOUR” нинг нурли йўллари



ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ЭНГ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН ТАРМОҒИГА, ХОРИЖИЙ САРМОЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ВА МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ЕТАКЧИ ЙЎНАЛИШИГА АЙЛАНИБ БОРАЯПТИ. БУНИНГ НАТИЖАСИДА ЭСА МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИДА ЕНГИЛ САНОАТНИНГ ЎРНИ СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАДА ОШДИ.



“OSTEX COLOUR” масъулияти чекланган жамияти 2016 йилда ташкил этилган бўлиб, пойтахтимизнинг Сергели туманида фаолият олиб бормоқда. Бўялган ип-калава ишлаб чиқариш (ип-калавани бўяш) билан шуғулланадиган ушбу тўқимачилик корхонасини кўздан кечирар эканмиз, жаҳон андозалари даражасидаги энг сўнгги русумли технологиялар билан жиҳозланганига гувоҳ бўлдик. Қолаверса, корхона жамоасининг аҳиллик билан иш юритишига ҳам ҳавас қилдик.

Корхона раҳбарияти ва малакали мутахассисларнинг доимий изланишлари ўзининг самарасини бериб, корхона нафақат мамлакатимизда, балки дунё бозорида ҳам тобора мустаҳкам ўринга эга бўлиб бораяпти. Соҳа ривожи йўлида кўрилаётган чора-тадбирлар корхонанинг ишлаб чиқариш базасини модернизациялаш ва технологик янгилаш, халқаро стандартларга мувофиқ маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконини бермоқда.

Юз-кўзлари кулиб турган корхона раҳбари Даврон Қаюмов менга ўзи ҳамроҳлик қилиб, барча жараёнларни таништириб чиқар экан, бу инсоннинг эътибори ва хушмуомалигидан юрагимда ажиб бир илиқлик ва меҳр пайдо бўлди.

—Мамлакатимизда тўқимачилик саноатини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор натижасида корхонанинг фаолият кўлами кенгайиб, маҳсулотлари асосан экспортга йўналтирилмоқда, — дейди Даврон ака қувноқлик билан. — Хусусан, 2022 йил 21 январдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарида чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда уларнинг экспортини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон фаолиятимизда катта ўрин тутмоқда. Эътиборлиси шундаки, тайёрланаётган ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимиз сифати билан харидорлар эътиборига тушиб, бренд даражасига кўтарилиб бораяпти. Албатта, бундан хурсандмиз. Биласизми, Сергели тумани ҳокими Элбек Шукуров корхонамиз фаолияти билан танишганда “бу ерда олтин қўлли ип-калавани бўяш дастгоҳларини бошқарувчи сеҳргар инсонлар ишлар экан”, деб ҳазил аралаш ажойиб баҳони берган эди. Назаримда, бу бежиз эмас. Ҳозирги кунда корхонамизда 136 нафар малакали ишчи-ходим иш билан таъминланган бўлиб, улар учун барча шароитлар яратилган. Икки маҳал иссиқ овқат, эрталабки нонушта, ишга келиб-кетишлари учун замонавий автобус хизмати йўлга қўйилган. Уларнинг мароқли дам олишлари учун маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиб борилади. Таниқли санъаткорлар, шоир ва ёзувчилар, психологлар билан учрашувлар, кўнгилочар тадбирлар доимий равишда ўтказиб турилади. Шу билан бирга, ходимларнинг малакаларини ошириб бориш мақсадида хорижий давлатлардаги етакчи тўқимачилик корхоналари билан шартнома тузилган бўлиб, шу асосда босқичма-босқич малака ошириш ишлари ташкил этилаяпти. Фаолиятимиз давомида қўшимча иш ўринларини яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келаяпмиз. Жумладан, келгусида вилоятларда ҳам корхона филиалларини янада ривожлантириб, 500 га яқин янги иш ўринларини яратиш режалаштирилган.

Корхона жамоаси нафақат ҳамкорликни ривожлантириш, балки корхона ишчи ва ходимлари учун семинар ва тренинглар ўтказиш, уларнинг малакасини хорижда ошириш, экспорт географиясини кенгайтириш каби бир қатор масалалар билан шуғулланмоқда.

Даврон Қаюмов 2021 йилдан буён ушбу корхонага раҳбарлик қилиб, бор билими, тажрибасини ҳаётга татбиқ этиб келмоқда. Бу борада тажрибали ва малакали ҳамкасблари билан маслаҳатлашиб, ўзаро ҳамфикрликда ишларни амалга ошираётгани ҳам қўл келмоқда. Масалан, жуда кўп корхоналарда ишлаб, тажриба орттирган Ноиба Максимова экспорт йўналишида доимо ўзининг асосли таклиф-тавсиялари билан лойиҳаларнинг истиқболини кўрсатиб бера олади. Қолаверса, корхона ишчилари учун сифатли, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган семинар-тренинглар ўтказиб боради.

—Корхонамизда яратилган барча имкониятлар ва шароитлар инсон манфаатлари учун хизмат қилаётгани мени жуда қувонтиради, — дейди Ноиба Максимова. — Бизнинг иш фаолиятимизда ҳам чет тилларни билиш жуда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўзим Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг инглиз филология факультетини тугатганман. Иш фаолиятим асосан тўқимачилик корхоналарида кечмоқда. 2004 йилда “Қобул—Тўйтепа Текстиль” қўшма корхонасида экспорт бўлимида иш бошлаганман. 2007 йилдан 2018 йилгача “Байтекс” корхонасида фаолият олиб бордим. 2019 йилдан ушбу корхонада аҳил жамоа билан ишлаб келаяпман. Тажрибали устозларим мени шу соҳанинг билимдонига айлантирди. Мамлакатимизнинг тўқимачилик саноатига катта ҳисса қўшаётган, қолаверса, кўплаб юртдошларимизни иш билан таъминлаётган корхонада ишлаш менга ҳузур бағишлайди.

Шу корхонада ишлаётган 33 ёшли Амирхон Сулейманов билан суҳбатлашсангиз, унинг ҳам чин маънода профессионал мутахассис эканига ишонч ҳосил қиласиз. Бир нечта хорижий тилларни мукаммал биладиган Амирхон Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия унверстетининг халқаро алоқалар ва муносабатлар факультетини тугатган. “Roison” компаниясида экспорт-импорт йўналишида ишлаб, 7 йиллик тажриба билан 2020 йилдан биз сўз юритаётган корхонанинг сотув бўлимига раҳбар бўлиб келган. Серғайрат ходим сифатида устози Даврон ака Қаюмов билан тинимсиз экспортни ривожлантириш бўйича маслаҳатлашиб, корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича истиқболли лойиҳаларни амалга оширмоқда.

—Европа давлатларига 1000 тоннадан ортиқ сифатли тўқимачилик бўялган ип маҳсулотлари корхонамиз томонидан экспорт қилинмоқда, — дейди корхона раҳбари Даврон Қаюмов. — Келажакда режаларимиз бундан ҳам улкан бўлиб, экспорт имкониятларимизни янада кенгайтирмоқчимиз. Экспорт географиясини кенгайтириш мақсадида Америка ва бошқа давлатлар билан қўшимча шартномалар имзоланиши кўзда тутилган. Бунинг учун бизда барча шароит ва имкониятлар бор. Билдирилаётган ишончни оқлаб, зиммамизга юклатилган вазифани аъло даражада бажариб, мамлакатимиз ривожига ҳисса қўшиш олдимиздаги муҳим вазифа саналади. Иш ўринларини яратиш орқали яна кўплаб юртдошларимизнинг турмушини фаровон қилиш олий мақсадимиз ҳисобланади.

Ойгул РАЗЗОҚОВА,
журналист.



MUASSIS:

O‘zbekiston XDP Xalq demokratik partiyasi

O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

O‘zbekiston ovozi

TAHRIR HAY’ATI:

Ulug`bek INOYATOV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ulug‘bek VAFOYEV, Hayotxon ORTIQBOYEVA, Maqsuda VORISOVA, Shuhrat ISLOMOV, Qalandar ABDURAHMONOV, Toshtemir XUDOYQULOV, Guliston ANNAQILICHEVA

Bosh muharrir: To‘lqin TO‘RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko‘chasi, 50 «A»-uy.

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. **E-mail:** uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**
Sahifalovchi: **Bekzod ABDUNAZAROV**

Г — 736. 16810 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari

O‘zA yakuni — Topshirilgan vaqti — 22:20

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.